

УДК: 657.1

Мухаммадиев Заррух Умарович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, PhD

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ВА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада яшил иқтисодиёт иқтисодий категориясининг мазмун-моҳияти илмий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, яшил иқтисодиёт шароитида иқтисодий субъектларнинг роли, уларнинг ижтимоий-иктисодий ва хўжалик фаолияти, капитал инвестициялар ҳисобининг назарий масалалари, хусусан хўжалик юритувчи субъектларда капитал инвестициялар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, капитал инвестициялар, капитал инвестициялар ҳисоби, ижтимоий жараёнлар, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби обьектлари.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ И НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УЧЕТА КАПИТАЛЬНЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ

Мухаммадиев Заррух Умарович

докторант Самаркандского института экономики и сервиса, PhD

Аннотация. В данной статье научно и теоретически исследована сущность экономической категории зеленой экономики, роль хозяйствующих субъектов в условиях зеленой экономики, их социально-экономическая и экономическая деятельность, теоретические вопросы учета капитальных вложений, в частности, организация и ведение учета капитальных вложений в хозяйствующих субъектах освещены такие вопросы, как важность.

Ключевые слова: зеленая экономика, капитальные вложения, учет капитальных вложений, социальные процессы, учет, объекты учета.

ORGANIZATIONAL-LEGAL AND SCIENTIFIC-THEORETICAL BASIS OF CAPITAL INVESTMENT ACCOUNTING IN THE CONDITIONS OF FORMING A GREEN ECONOMY

Mukhammadiev Zarrukh Umarovich

DSc student, Samarkand Institute of Service and Economics, PhD

Abstract. In this article, the essence of the economic category of the green economy is scientifically and theoretically researched, the role of economic entities in the conditions of the green economy, their socio-economic and economic activities, theoretical issues of accounting for capital investments, in particular, the organization and maintenance of accounting for capital investments in economic entities Issues such as importance are covered.

Keywords: green economy, capital investment, capital investment accounting, social processes, accounting, accounting objects.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини

ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида саноат тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари ва энергия сарфи ҳажмини камайтириш, барча иқтисодиёт соҳаларида сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш, сувнинг тежалишига хизмат қиладиган инновацион технологияларни жорий этиш, турли жойларда кўчатлар экиш орқали яшил майдон ҳудудларини янада кенгайтириш каби муҳим вазифалар кўрсатиб берилган[1]. Шунингдек, “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорида келтирилган корхона ва ташкилотларни модернизациялаш, уларнинг молиявий тизимларини оптималлаштириш каби вазифалар мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари сифатида кўрсатилган[2]. Бундан кўриниб турибдики, “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси мамлакатимизда 2019 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт” бўйича олиб борилаётган қатор ислоҳотлар натижаларидан бири ҳисобланади. Ушбу анжумандада Давлат раҳбари томонидан “Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланди. Биз мавжуд ахволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дараҳтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз”[3], деб таъкидлангани мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт” мамлакатимизда мазкур сиёsatга бўлган эътибор юксак даражада эканлигидан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий “Яшил” иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисида”[4]ги қарорида мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда “яшил” инфратузилмаларни ривожлантириши учун хусусий капитални жалб этиш, молиявий инструментларни ривожлантириш мақсадида “Миллий “яшил” иқтисодиёт таксономияси” дастури ишлаб чиқилган ва унда корхоналарда сув ва хомашёлардан фойдаланиш самарадорлиги, ҳаво ва тупроқ сифатини яхшилаш, барқарор қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, экотуризм, яшил транспорт, энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия, яшил бинолар каби тоифалар киритилган ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар келтирилган. Мазкур еттига тоифадан иборат миллий “яшил” иқтисодиёт таксономияси секторлар ва кичик секторларга ҳам таснифланган бўлиб, унда куйидаги вазифалар белгилаб берилган:

* табиий ресурслар, хоссатан сувнинг исрофгарчилигини олдини оладиган замонавий технологияларни ўрнатиш, сарфланган сувларни қайта ишлаш, яъни утилизация қилиш ва қайта ишалш орқали уларни яроқли ҳолга келишини таъминлаш;

* атроф-муҳитга заарсизлигини таъминлаш мақсадида чиқиндиларни йиғиб олиш ва уларни қайта ишлаш орқали янги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ушбу ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширувчи мини заводларнинг фаолиятини йўлга кўйиш ва мазкур хўжалик юритувчи субъектларни ҳар томонлама қўллаб кувватлаш, уларга ташқи ва ички капитал инвестицияларни киритиш орқали моддий-техник базасини модернизациялаш;

* ҳавонинг ифлосланишини олдини олиш ва ҳавони тозалаш мақсадида иқтисодий субъектларни маҳсус жиҳозлар билан таъминлаш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш натижасида аҳолини биологик активлар билан таъминлаш;

* ўрмон хўжалигини ривожлантириш, уларда дараҳтларни ўстириш, парваришлаш ва қайта тиклаш орқали бошқариш;

* мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида меҳмонхоналар ва турли хил дам оловчи масканлар қуриш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, хоссатан туристик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш;

* углеред кам сарфланадиган ҳамда электро-энергия билан ҳаракатланадиган транспорт воситаларини харид қилиш ва жамоа жойларида уларнинг ҳаракатини кенг йўлга қўйиш;

* энергия тежайдиган бино ва иншоотларни куриш, жамоат жойлари, ташкилотлар ва турли саноат тармоқлари биноларида энергия тежайдиган мосламаларни ўнатиш;

* мамлакатда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

* яшил биноларни куриш орқали яшил инфратузилмани ривожлантириш, уларни модернизациялаш ва бошқалар.

Республикамизнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларида келтирилган ушбу долзарб вазифаларни микро ва макро даражада ҳал этиш, яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантириш, ушбу иқтисодиёт шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, жумладан унинг асосий элементларидан ҳисобланган капитал инвестициялар ҳисобининг илмий-амалий ҳамда назарий масалаларини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланиб улгурди.

Статистик маълумотларга кўра, “охирги 50 йил ичida дунёда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ичимлик суви 60 фоизга камайди. Ҳар йили саноатда фойдаланилган 150 – 160 км. куб сув дарёлар, кўлларга оқизилади. Турли фалокатлар, техник хатолар туфайли ҳар йили уммонларга 25 – 30 миллион тонна нефть тушади. Саноатда 1 тонна пўлат олиш учун 300 метр куб сув, 1 тонна қофоз ишлаб чиқаришга 900 метр куб сув ишлатилади. Умумий сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалигида, 20 фоизи саноатда ва 10 фоизи уй хўжаликларида сарфланади. Тахминларга кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизнинг 47 фоиз аҳолиси сув танқислиги муаммоси билан юзма-юз бўлади”[5]. Демак, фақатгина ишлаб чиқариш ёки турли саноат тармоқлари фаолиятини ривожлантириш билан чегараланиб қолмасдан, балки иккинчи томондан ушбу соҳаларни ривожлантириш билан бир қаторда табиий ресурсларга бўлган зарап қўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш бугунги иқтисодиёт олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Миллий ва глобал иқтисодиёт олдидаги бундай мухим вазифалар бир томондан инсонлар ва турли хўжалик юритувчи субъектлар, иккинчи томондан эса, табиат ва табиий ресурслар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий ва хўжалик муносабатларини тартибга солишига, уларни оптималлаштиришга хизмат қиласидиган “яшил иқтисодиёт”нинг кириб келишига туртки бўлди. Яшил иқтисодиёт корхоналарда табиий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишга, табиатнинг асл ҳолда сақланиб қолинишига, иқтисодий ресурсларнинг тежалишига хизмат қиласиди. Ушбу жараёнлар мамлакатимизда “яшил макон”, “яшил ҳудуд”, “яшил бино”, “яшил энергетика”, “яшил транспорт”, “яшил логистика” каби янги иқтисодиёт йўналишларининг кириб келишига сабаб бўлди.

Адабиётлар шархи.

Тадқиқотлар “яшил иқтисодиёт” ва юқоридаги атамаларнинг мазмун-моҳияти, иқтисодий адабиётларда улар бўйича келтирилган таъриф ва тавсифларни, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига қандай тарзда кириб келганлиги бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг атроф-муҳит дастури (UNEP) ташкилоти томонидан қуйидагича таъриф берилган “Яшил иқтисодиёт – бу келажак авлодларни жиддий экологик хавф ва камчиликларга дучор қолмасдан, инсон фаровонлигини яхшилайдиган ва тенгсизликни камайтирадиган иқтисодиёт. Бундай иқтисодиёт экологик хавфларни камайтиришга қаратилган қисқа муддатли тадбирлар натижасида узоқ муддатли ижтимоий нафақа олишга қаратилган. Яшил иқтисодиёт барқарор ривожланиш мақсадига эришишига ёрдам беради”[6]. Халқаро ташкилот томонидан берилган ушбу таъриф яшил иқтисодиётнинг инсоният фаровонлиги йўлидаги ижтимоий муносабатларни ҳал этишга қаратилганлигини исботлайди.

Кирғизистон Республикаси иқтисодиёт ва савдо вазирлиги томонидан берилган таърифда “Кирғизистон Республикасида яшил иқтисодиёт тушунчаси одамларнинг

фаровонлигини оширишга ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга, шу билан бирга атроф-мухитга хавфларни сезиларли даражада камайтиришга, табиий капитални сақлаш ва оширишга, ресурслардан самарали фойдаланишга ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантиришга олиб келадиган иқтисодиёт сифатида белгиланади”[7] деб келтирилган бўлиб, мамлакатда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришда углерод чиқиндиларини камайтириш, атроф-мухитнинг тозалигини сақлаш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш каби устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

“Яшил иқтисодиёт бўйича чўнтақ йўлланмаси – харакат учун мисол (The Green Economy Pocketbook – The case for action)” томонидан куйидагича таъриф келтирилган: “Яшил иқтисодиёт – бу сайёрамизнинг экологик чекловлари доирасида юқори ҳаёт сифатини таъминлайдиган мослашувчан иқтисодиёт”[8].

Хорижий олимлардан П.Сёдерхольм, “Яшил иқтисодиёт – бу ўсиш ва ривожланиш учун атроф-мухит ва ижтимоий фаровонликни оширишга мос келадиган тарзда иқтисодий ривожланиш ва одамлар ҳаётини яхшилашга ёрдам берадиган муқобил қарашиб. Яшил иқтисодиёт стратегиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири барқарор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашишдир”[9], деб ҳисоблайди. Таърифда инсонларнинг фаровонлигига таъсир этувчи омиллардан эканлиги, рақамли-инновацион технологияларнинг жорий этилиши тавсифланади.

Бошқа бир рус иқтисодчи Е.А.Пироженконинг фикрича, “Мехнат бозори фаолияти доирасида жаҳон иқтисодиётидаги янги тенденция “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсатига айланди. Ушбу бандлик сиёсатининг ўзига хос хусусияти атроф-мухитга салбий таъсирни камайтирадиган “яшил” иш ўринларини барпо этиш орқали экологик йўналтирилган меҳнат бозорини шакллантиришдир”[10]. Илмий тадқиқот ишида келтирилган ушбу фикр-мулоҳазалар “яшил” иқтисодиётнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ўзида ифода этади.

Туркманистоннинг иқтисодчи олимларидан К.Гурбанов, “Яшил иқтисодиёт – бу табиий ресурслар ва атроф-мухитни асраш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган иқтисодиёт. Ушбу йўналишни амалга ошириш учун “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга хизмат қиласиган қонунчилик базасини ишлаб чиқариш зарур”[11], деб таърифлайди. Демак, олим “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш миллий қонунчилик базасини шакллантиришга боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Б.Р.Еленанинг илмий мақоласида эса, қуйидаги таърифни учратдик: “Яшил иқтисодиёт – иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ҳамма учун инклюзив ривожланишни ўз ичига олган иқтисодий ривожланишнинг янги тури”[12]. Ушбу таърифдан яшил иқтисодиётнинг учта, яъни иқтисодий, ижтимоий ва табиатни асраш бўйича вазифаларини билиб олиш мумкин.

И.А.Круглованинг илмий тадқиқот ишида “Бугунги кунда “яшил” технологиялар миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш контекстида кўриб чиқила бошланди. Натижада экологик хавфсизлик озиқ-овқат, энергетика, технологик ва бошқалар билан бир қаторда миллний иқтисодий хавфсизликнинг асосий қуий тизимларидан бири сифатида қарала бошланди”[13], деб таъкидлайди. Демак, мамлакатларда миллний иқтисодий хавфсизлик даражасини белгиловчи омиллардан бири сифатида “яшил” технологиялар белгиланган.

А.В.Кравченконинг таъкидлашича, “Яшил иқтисодиёт инсон ва табиатнинг экотизимларга бўлган эҳтиёжларини уйғун равища қондиришга, ишлаб чиқариш қарорларида энергия истеъмоли ва унинг ижтимоий харажатларини оптималлаштиришга интилади. Ўтиш даврида яшил иқтисодиёт экологик хавфларни камайтиришга қаратилган қисқа муддатли фаолиятга узоқ муддатли ижтимоий фойда келтиришга интилади, бироқ бу ўз-ўзидан жигарранг иқтисодиётга қараганда ишлаб чиқариш ва бандликнинг юқори даражасини англатмайди”[14]. Илмий мақолада келтирилган бундай ёндашув ўтиш даврида “яшил иқтисодиёт”нинг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини ўзида ифода этиб, инсонларнинг

табиат билан муносабатлари, корхоналарда энергияни тежаш орқали харажатларни камайтириш чораларини очиб кўрсатади.

Мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан П.З.Хашимов, “Яшил иқтисодиёт – инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарур бўлган ресурсларни, экологик хавфларни ва экологик танқисликни камайтиришга ва атроф-муҳитни бузмасдан иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий тизим. Яшил иқтисодиётни биз экологик иқтисодиёт билан боғласак адашмаган бўламиз, лекин у қўпроқ сиёсий жиҳатдан қўлланиладиган янги йўналиш ҳисобланади”[15], деган таърифни илгари суриб, таърифда яшил иқтисодиёт экология билан боғлиқ эканлиги, уни асрар яшил иқтисодиётнинг асосий мақсади эканлигига ургу берилган.

Бундан ташқари, ахборот манбаларида “яшил иқтисодиёт” ижтимоий-иктисодий категорияси бўйича турли хил ёндашувларни учратиш мумкин:

“Яшил иқтисодиёт паст углеродли, ресурслардан тежамкор ва ижтимоий инклузив сифатида тавсифланади. Яшил иқтисодиётда бандлик ва даромаднинг ўсиши углерод чиқиндилари ва ифлосланишини камайтириш, энергия ва ресурслар самарадорлигини ошириш, биологик хилма-хиллик ва экотизим хизматларининг йўқолишининг олдини олиш имконини берувчи иқтисодий фаолият, инфратузилма ва активларга давлат ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали амалга оширилади”[16]. Бундан кўриниб турибдики, яшил иқтисодиётни шакллантиришда инвестицияларнинг роли бекиёс бўлиб, корхоналарда инвестицияларни жалб қиласдан туриб яшил иқтисодиётни барпо этиб бўлмайди.

“Яшил иқтисодиёт – бу экологик хавфларни ва экологик танқисликни камайтиришга қаратилган ва атроф-муҳитни бузмасдан барқарор ривожланишни мақсад қилган иқтисодиёт”[17].

“Яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади”[18].

Тадқиқот методологияси.

Яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида капитал инвестициялар ҳисобининг ташкилий-хуқуқий ва илмий-назарий асослари, хусусан яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича олиб борилган тадқиқотда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу норматив-хуқуқий хужжатларни қўйидаги жадвал маълумотлари орқали ифодалаймиз (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва капитал инвестициялар ҳисобига оид қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар[19]

№	Хужжат рақами	Хужжат санаси	Хужжат номи
Ўзбекистон Республикаси Қонунлари			
1	ЎРҚ-793	12.10.2022 й.	Электрон рақамли имзо тўғрисида
2	ЎРҚ-598	25.12.2019 й.	Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари			
3	ПФ-199	23.11.2023	Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали

			экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида
4	ПФ-215	07.09.2022	Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
5	ПФ-5953	02.03.2020	2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари			
6	ПҚ-213	05.06.2024 й.	Ўзбекистон Республикасида “Яшил” иқтисодиётга ўтища миллий шаффофлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида
7	ПҚ-203	30.05.2024 й.	Мажбурий рақамли маркировкалаш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
8	ПҚ-129	15.03.2024 й.	Тадбиркорлик субъектларига халқаро платформалар орқали рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатиш учун қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида
9	ПҚ-257	02.08.2023 й.	Кишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида
10	ПҚ-436	02.12.2022 й.	2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида
11	ПҚ-5083	21.04.2021 й.	Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва Республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
12	ПҚ-4699	28.04.2020 й.	Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида
13	ПҚ-4642	17.03.2020 й.	Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида
14	ПҚ-4477	04.10.2019 й.	2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари			
15	ВМҚ-303-сон	29.05.2024 й.	Рақамли технологиялар соҳасидаги истиқболли стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва соҳадаги йирик ташкилотлар фаолиятини экспортга йўналтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
16	ВМҚ-238-сон	26.04.2024 й.	Қимматли қофозлар бозорида мижозларни масофадан туриб рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

17	ВМҚ-561-сон	25.10.2023 й.	Миллий “Яшил” иқтисодиёт таскономиясини тасдиқлаш түғрисида
18	ВМҚ-514-сон	29.09.2023 й.	“Яшил” иқтисодиётта ўтиш жараёнини бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида
19	ВМҚ-330-сон	03.08.2023 й.	Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари түғрисида
20	ВМҚ-780-сон	28.12.2021 й.	Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш мақсадида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки кредит линиясини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш чора-тадбирлари түғрисида
21	ВМҚ-19-сон	03.02.2015 й.	Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари ҳисобига ичимлик сув таъминотини ва оқова сув хизматини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари түғрисида

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган бўлиб, қатор норматив-хукуқий хужжатлар ишлаб чиқилган. Бундай натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга, жумладан корхоналарда рақамли ишлаб чиқариш жараёнларига капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган долзарб вазифалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисоби, хусусан унинг асосий ва ажралмас обьекти ҳисобланган капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришга бағишлиланган илмий-тадқиқот ишларини тадқиқ этиш зарурияти мавжуд. Шу боис, ушбу тадқиқот ишимизда хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан юқоридаги масалаларни ҳал этишга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларини тадқиқ этишни тақозо этди.

Яшил иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари, шунингдек корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг муҳим обьекти саналган капитал инвестициялар ҳисобининг илмий-назарий ва методологик масалаларини такомиллаштиришга бағишлиланган қуйида келтирилган илмий тадқиқот ишлари аҳамиятга молиқдир.

Хорижий олимлардан А.В.Бодяко, А.А.Бутина, Т.В.Гудкова, М.А.Городилов, Н.В.Днепровская, Е.А.Ильина, О.Н.Жукова, Н.А.Жданкина, И.Б.Манжосова, Р.З.Мухаметзянов, И.Л.Мамаева, В.И.Титов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланиб, уларнинг илмий ишларida рақамли ва яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион муҳитни шакллантириш, корхоналарни модернизациялаш, уларнинг барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантириш, капитал инвестициялар ҳисоби, уларни молиялаштириш масалалари, молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш шароитида капитал инвестициялар ҳисоби ва таҳлили, капитал инвестициялар ички аудитини такомиллаштириш, капитал инвестицияларнинг иқтисодий категория ва бухгалтерия ҳисобининг муҳим обьекти сифатидаги талқинига илмий қарашлар каби масалалар ўрин олган.

Мамлакатимиз олимларидан О.Т.Астанакулов, Б.Ф.Боронов, О.Жўраев, А.К.Ибрагимов, Ш.И.Илхамов, О.И.Очилов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Худойбердиев, С.Р.Эгамбердиева, К.Б.Уразов ва бошқа иқтисодчи олимларимиз томонидан капитал

инвестициялар ҳисоби, уларни бухгалтерия ҳисобида таснифлаш ва тавсифлаш, тан олиш, баҳолаш, молиявий ва бошқарув ҳисобида юритиш, ҳисботларда акс эттириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Мазкур олимлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этиб, корхоналарда капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштиришда маълум даражада хизмат қилган. Бироқ, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби обьекти сифатидаги талқини, капитал инвестициялар ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари принципларига мувофиқлаштириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу боис, ушбу заруриятлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, яъни капитал инвестициялар ҳисобини рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда капитал инвестицияларни жалб қилиш, ахборот фойдаланувчиларнинг капитал инвестицияларга оид ахборотларга бўлган бўлган эҳтиёжларини қондирувчи молиявий ҳисбот шаклларини ишлаб чиқиш, корхоналарда капитал инвестициялар ҳисбининг ҳам назарий, ҳам амалий томондан такомиллаштириш лозим, деб ҳисблаймиз. Бугунги кунда, яшил иқтисодиёт шароитида капитал инвестициялар ҳисбининг илмий-назарий масалаларига бағищланган илмий тадқиқот ишларида уларнинг тавсифи ва таърифи тадқиқ этилган бўлиб, капитал инвестицияларнинг ҳисоб обьекти сифатидаги таснифий асослари, уларни халқаро тажрибалар асосида баҳолаш ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ва бошқарув ҳисботларда акс эттириш ҳамда уларни такомиллаштириш каби масалалар очиқ қолмоқда.

Шунингдек, капитал инвестицияларнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар амалга оширилган бўлиб, бугунги кунга қадар ўндан ортиқ норматив-хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилган. Бироқ, мамлакатимизда эришилган бундай натижаларга қарамай корхоналарда яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида капитал инвестициялар бўйича оқилона сиёsat тўғри юритилябди деб, тўлиқ айта олмаймиз.

Бизнинг фикримизча, бизнинг ушбу тадқиқот натижаларимиз юқорида зикр қилинган муаммоларни тўғри ҳал этишга, корхоналарда яшил иқтисодиёт шароитида капитал инвестициялар ҳисобини тизимли ва аниқ юритишга, ҳисбот шаклларини очиқ ва шаффоф акс эттиришга, умуман олганда, капитал инвестициялар ҳисобини ҳам назарий, ҳам илмий бойитишга муайян даражада хизмат қилади, деб ҳисблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ти Қарори. 2022 йил 02 декабрь. ПҚ-436.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти Қарори. 2019 йил 04 октябрь. ПҚ-4477.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи //Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 24 сентябрь. № 202 (7704). 1-бет. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/23/bmt/>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий “Яшил” иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарори. 2023 йил 55 октябрь. 561-сон.
5. <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/2023/02/19/jashil-iqtisodiyot-muhim-hayotiy-zarurat/>
6. Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication / R. Ayres [et al.]. – Nairobi : United Nations Environment Programme, 2011. – 44 p.

7. Киргизистон Республикаси иқтисодиёт ва савдо вазирлиги расмий электрон сайты.
<https://mineconom.gov.kg/ru/direct/302>
8. The Green Economy Pocketbook: The case for action. – London : Green Economy Coalition, 2012. – 58 р
9. Сёдерхольм П. The green economy transition: the challenges of technological change for sustainability. Sustain Earth 3. 6 (2020) <https://doi.org/10.1186/s42055-020-00029-y>
10. Пироженко Е.А. Развитие Российского рынка труда при переходе к экологически ориентированной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: 2016. 24-с.
11. Гурбанов К., Сарыев И. Создание правового поля в зелёной экономике. Международный научный журнал “ВЕСТНИК НАУКИ”. № 10 (67), Том 3, 2023.
12. Елена Б.Р. Зеленая экономика и ее влияние на экономическое развитие в XXI веке. Российский внешнеэкономический вестник. № 3, 2022.
13. Круглова И.А. Обеспечение национальной экономической безопасности в условиях развития зеленой экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Санкт-Петербург: 2022. 42-с.
14. Кравченко А.В. “Зелёная экономика”: приоритеты развития мирового хозяйства. Инновации и инвестиции. № 2, 2021.
15. Хашимов П.З. Ресурсларнинг чекланганлиги ва “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти. “Science and innovation” International scientific journal . №3. 2022.
16. <https://www.unep.org/regions/asia-and-pacific/regional-initiatives/supporting-resource-efficiency/green-economy>
17. https://uz.wikipedia.org/wiki/Yashil_iqtisodiyot
18. <https://zarnews.uz/post/yashil-iqtisodiyot-nima>
19. <https://lex.uz/uz/>